


Борини фидо қилган онам



17:00 / 31.07.2022 2641

Онам менинг ўқишим учун узукларини сотдилар.

Синглимни турмушга бериш учун билагузукларини сотдилар.

Укамни даволатиш учун чиройли маржонларини сотдилар. Шу аснода устиларида бирор зийнатли буюм қолдирмадилар.

Мен ўқишни битириб хорижга сафар қилдим. Онам билан ҳафтада икки маротаба телефонлашиб тураман. Йиғлайверганларидан овозларини деярли эшита олмасдим.

Синглим бой инсонга турмушга чиқди. Бугун у орзулари амалга ошган ҳолда бахтиёр ҳаёт кечирмоқда.

Укам нафақат соғайган, ҳозирда у машҳур футболчи. Доим сафарда бўлгани боис уйдан чиқиб кетганича ҳали қайтиб келмади.

Орадан кўп йиллар ўтди. Ҳар сафар шамол дарвозани тебратганда ёки қўшнилари тақиллатганда бечора онам ялангоёқ ҳолда дарвоза томон югуради. Кўпинча дарвоза олдидан йиғлаган ҳолда қайтиб келади. Оёққа тақиладиган маржонини бизнинг касал бўлишимиздан қўрқиб, тақмасдан беркитиб қўйган эканлар.

Онаизорим шу ҳолда вафот этдилар.

**Абдулмунъим Омирнинг мақоласидан Нозимжон Ҳошимжон
таржимаси**

Хуршид Маъруф тайёрлади